

Аккредитация қилиш мақсадида жойнинг ўзида баҳолашни ўтказиш тўғрисида

АК-515-21/8 -АК-сон шартнома

Тошкент ш.

“11” 01 2022 й.

Бир томондан Устав асосида фаолият олиб боровчи, кейинги матиларда “Марказ” деб аталувчи “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДУК номидан директор А.А.Закиров, ҳамда иккинчи томондан Низом асосида фаолият олиб боровчи, кейинги матиларда “Аккредитация объекти” деб аталувчи “Farg'ona IEM” АЖ номидан Баш директор Э.М.Халимов биргаликда “Томонлар” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани (кейинги матиларда “Шартнома” деб юритилади) имзоладилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Марказ хизматлари мазкур Шартномага мувофиқ ҳамда Аккредитация объектларини аккредитация қилиш соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ISO/IEC 17011 халқаро стандарти, шунингдек, Аккредитация бўйича Осий-Тинч океани ҳамкорлиги (АРАС), Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ҳамкорлиги (ИАС) ва Халқаро аккредитация форуми (IAF) талаблари ва тавсияларига асосланган Марказнинг аккредитация тартибот-таъмин ҳужжатлари ва йўриқномалар асосида кўрсатилади.

1.2. Марказ аккредитация тартиб-таомилларига таълуқли зарур маълумотларни, аккредитация соҳасига оид тегишли ҳужжатларни (аккредитация объектига таълуқли бўлган қисмида) Марказнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ҳамда улардан фойдаланиш оқиб ҳисобланади.

1.3. Марказ аккредитация объектидан аккредитациядан ўтказиш тўғрисида буюртма (кейинги матиларда – Буюртма)ни, аккредитацияга оид қонунийлик, аккредитация ўтказиш тартиб-таомиллари ҳақида тутилган ҳужжатлар ва маълумотлар илова қилинган ҳолда (электрон кўринишда) қабул қилиб олганидан сўнг ҳамда Марказ хизматлари (ишлари) учун тўлов амалга оширилганидан кейин мазкур Шартнома бўйича хизматларни кўрсатишга киришади.

1.4. Агар Аккредитация объекти Шартнома имзолангандан сўнг ўн иш куни ичида ёзма равишда Марказ хизматларидан воз кечишни ёки хизматлар аниқ рўйхатини ўзгатишини маълум қилмаса, у ҳолда ушбу Аккредитация объекти мазкур Шартномада кўрсатилган хизматлар кўрсатилишига рози бўлган ва улар учун тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган деб ҳисобланади.

1.5. Марказ Шартномани тузиш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида, Аккредитация объектининг ёки унинг ишхоналарининг ўрнини эгаллашмаслигини, уларнинг мажбуриятларидан озод қилмаслигини, шунингдек бошқа бирор-бир шаклда Аккредитация объектининг учинчи ишхоналар олдидagi ёхуд учинчи ишхоналарнинг Аккредитация объекти олдидagi ҳар қандай мажбуриятини ўз зиммасига олмаслигини, қамайтирмаслигини, бартараф этмаслигини Аккредитация объекти таъминлади.

2. Ишларни нархи ва ҳисоблашни тартиби

2.1. Ушбу шартномага асосан қуйида келтирилган ишлар бўйича Аккредитация объекти топшириш, Марказ ёки кўрсатилган ишларни бажариш мажбуриятини олади.

2.2. Шартноманинг умумий қиймати:

Т/р	Хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Микдор	Нархи (сўм)	Кўрсатилган хизмат қиймати	ККС		Кўрсатилган хизматнинг ККСни ҳисобга олган ҳолдаги қиймати
						Ставкиси	Микдор	
1	киёслаш лабораториясини аккредитация қилиш мақсадида жойнинг ўзида баҳолаш ўтказиш	киши/кун	6,6	813 835,00	5 371 311,00	15%	805 696,65	6 177 007,65
2	Жойнинг ўзида баҳолаш харажатларини қоплаш:	киши	3	146 818,00	440 454,00	15%	66 068,10	506 522,10
	- йўл харажатлари:	кун	3	746 718,00	2 240 154,00	15%	336 023,10	2 576 177,10
Жами					8 051 919,00		1 207 787,85	9 259 706,85

Жами шартнома суммаси: тўққиз миллион икки юз эллик тўққиз минг етти юз олти сўм, 85 тиини.

2.3. Мазкур Шартномага мувофиқ Марказ ҳисоб рақамига, Аккредитация объекти 2.2-бандда кўрсатилган жами суммаси ўтказиб бериши (тўлаши) лозим.

2.4. Томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ, тўлов Аккредитация объекти томонидан 100 фойз микдорида, шунингдек тўлов шаклида, Шартнома томонлар имзоланган кундан бошлаб 15 (ўн беш) иш куни ичида Марказнинг ҳисоб рақамига ўтказиш ёки билин амалга оширилади.

2.5. Томонлар ўртасида ишни бажариш учун мазкур шартноманинг 2.2-бандида келтирилган қиймат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 апрелдаги 349-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 62-бандига мувофиқ ҳамда ўзаро келишилган ҳолда белгилаб олинди.

3. Ишларни бажариш, топириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Аккредитация объекти ишларни бажариш учун Марказга шартнома, мурожаатнома, ~~ўрнатилган тартибда~~ тайёрланган ҳужжатлар мажмуасини тўққизинчи топширади;

3.2. Марказ ҳисоб-фактураларни Марказ томонидан "Баждарилган ишлар далолатномаси" (кейинги ~~матнларда~~ - далолатнома) имзолаганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сон ~~қарорига~~ асосан электрон шаклда расмийлаштириб тақдим этади.

3.3. Шартноманинг 2.2-бандида келтирилган хизматлар натижаси бўйича расмийлаштирилган ҳисобот ~~санаси ёпила~~ Томонлар далолатномани имзолаган сала хизмат кўрсатилганлигининг далили ва санаси ҳисобланади.

3.4. Аккредитация объекти далолатномани олган кунидан бошлаб 5 (беш) иш кун ичида имзолаш ~~мажбуриятини~~ олади. Далолатномадан норози бўлган ҳолатларда, Аккредитация объекти қайд этиб ўтилган 5 (беш) иш кун ичида Марказни ёзма равишда бундан хабардор қилиши ҳамда Марказга асосланган билан тасдиқланган эътирозларини ёзма равишда тақдим этиши зарур. Агар мазкур бандда кўрсатиб ўтилган муддатда далолатнома имзоланмаса ёки ёзма равишда эътирозлар тақдим этилмаса, Далолатнома имзоланган ҳисобланади ҳамда бу ҳолат тақдим этилган ҳисоб бўйича тўловларни амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4. Шартноманинг амал қилиш муддати

4.1. Мазкур Шартнома ҳар икки Томон имзолаган кундан бошлаб қучга қиради ҳамда аккредитациядан кейинги шартнома имзолаганига ёки аккредитация беришни рад этиш тўғрисидаги қарор қучга қирганга қадар амал қилади, қонун ҳужжатлари ёки мазкур Шартномада кўрсатилган Шартномани бекор қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

4.2. Ҳар қандай асосга кўра (шу жумладан 4.1-банд) мазкур Шартнома муддатидан олдиндан бекор қилинган ҳолатларда бул Аккредитация объекти Марказга мазкур Шартномани бажариш доирасида ҳужжатлар билан бажарилганлиги тасдиқланган иш бўйича тўловларни тўлаб беради.

5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. Аккредитация объекти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) баҳолаш якулари бўйича Аккредитация объектини аккредитация талаблари ва шартларига мувофиқлиги юзасидан баҳолаш гуруҳи ҳисоботининг (кейинги матнларда - ҳисобот) бир нусхасини олиш;

2) Марказ томонидан амалга оширилаётган жойнинг ўзида баҳолаш жараёнларини фото ва видео шаклда қайд этиб бориш;

3) баҳолаш гуруҳи таркиби (баҳолаш гуруҳи раҳбари, баҳоловчилар, техник экспертлар, кузатувчилар) ва баҳолаш ўтказиладиган сана бўйича асосланган таклифлар бериш;

4) Марказга унинг ходимлари ёки баҳолаш гуруҳи аъзолари хатти-ҳаракатлари устидан асосли шикоят қилиш;

5) асосланганлиги сабаблар кўрсатиб ўтилганда, аккредитация, такрорий аккредитация ёки аккредитация соҳасини кенгайтиришга оид баҳолаш натижасида аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш учун белгиланган муддатни, бир ойдан кўп бўлмаган муддатга, ўзайтирилиши сўраб Марказга ёзма мурожаат қилиш;

6) Марказнинг аккредитациядан ўтказишни, аккредитация соҳасини кенгайтиришни рад этиш, аккредитация тўғрисида гувоҳномани тўхтатиб туриш ёки тугатиш бўйича қарори юзасидан хабарнома олиш;

7) Аккредитациядан ўтказишни, аккредитация соҳасини кенгайтиришни рад этиш, аккредитация тўғрисида гувоҳномани тўхтатиб туриш ёки тугатиш бўйича қабул қилинган қарор юзасидан Марказ қошидаги Апелляция комиссиясига ёки суд тартибда шикоят қилиш;

8) Марказга аккредитация соҳасини долзарблаштириш, кенгайтириш (қискартириш), аккредитация тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ёки аккредитация тўғрисида гувоҳномани белгиланган тартибда қайта расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилиш;

9) аккредитациядан ўтказиш, аккредитация соҳасини кенгайтириш (қискартириш), шунингдек даврий баҳолашни ўтказиш жараёнлари оперативлигини ошириш мақсадида тегишли ҳужжатларнинг электрон шакллари тақдим этиш;

Аккредитация объекти амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.2. Аккредитация объектининг мажбуриятлари:

1) аккредитациянинг умумий талаблари ва шартларига, шу жумладан аккредитация талабларидаги ўзгаришларга, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, Марказнинг раъий сайтида жойлаштирилган аккредитация тартиб-таомилларини белгилловчи ҳужжатлар (аккредитация объектига таълуқли бўлган қисмида) талабларига ҳамда мазкур Шартнома талабларига риоя этиш ва уларнинг бажариш далилларини тақдим этиш;

2) Аккредитация объекти, томонидан аккредитация қилиниши сўралаётган халқаро стандарт талабларини аккредитация қилиш бўйича баҳолаш жараёни ача бажарилишини таъминлаш;

3) хорижий давлатларнинг аккредитация органларида аккредитациядан ўтганлиги ва аккредитация тўғрисида гувоҳнома олганлиги ҳақида Марказни хабардор қилиш;

4) аккредитация объектида ўтказиладиган баҳолашда, Марказ томонидан тақдим этилган баҳолаш гуруҳи таркиби (баҳолаш гуруҳи раҳбари, баҳоловчилар, техник экспертлар, кузатувчилар) ва баҳолаш ўтказиладиган санасини келиштириш;

5) Марказга тақдим этиладиган ҳужжатлар, маълумотлар ва материалларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, уларни қалбақлаштирмаслик, ишончсиз ёки ёлғон маълумотларни тақдим этмаслик;

6) аккредитация объекти ва/ёки унинг пудратчиси Марказ томонидан кўрсатиладиган аккредитация хизматларига оид (аккредитация учун асос бўлувчи стандартларга асосан баҳолаш) ўқиниш хизматларни кўрсатмаслик;

7) баҳолаш гуруҳи, баҳолаш жараёнида Аккредитация объектининг ҳудудида бўлиб турган вақтида дуч келиши мумкин бўлган мавжуд ёки эҳтимолий хавфлар тўғрисидаги мавжуд маълумотларни тақдим этиш, шунингдек заруратга қараб - меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси борасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида шахсий химоя воситалари билан баҳолаш гуруҳини таъминлаш;

8) жойнинг ўзида баҳолаш ўтказиш режасида ўрнатилган вақтдан бошлаб баҳолаш учун шарт-шароитлар, шу жумладан баҳолаш гуруҳига зарур маълумот, ёзувлар ва ҳужжатлардан (шу жумладан, ички аудит натижаларидан) фойдаланиш, биноларга кириш ҳамда маълумот ходимлар малакасини баҳолаш имкониятини яратиш;

9) баҳолаш жараёнида Аккредитация объектида расмий ишламайдиган шахсларнинг (баҳоланаётган бўлимда, корхона раҳбари ва юрист маслаҳатчи бундан мустасно) иштирок этмаслигини таъминлаш, баҳолаш жараёнини қасддан чўзмаслик, электр энергиясининг қасддан ўчирмаслик;

10) Марказ ва бошқа мувофиқликни баҳолаш органларини обрўсизлантириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни (баланд овозда гапириш, провокация, баҳолаш гуруҳи аъзоларига таҳдид ва босим ўтказилиши, маст ҳолатда бўлиш,) амалга оширмаслик;

11) баҳолаш гуруҳи аъзоларига бирор бир пул маблағларини ёки моддий қимматликларни тақдиф қилмаслик, коррупцион ҳаракатларга уринмаслик, шунингдек, баҳолаш гуруҳи аъзоларини тушлик ва кечки овқатга тақдиф этмаслик;

12) Марказ томонидан аккредитация объектини баҳолаш бўйича ўз фаолиятини олиб бориш усуллари ҳақидаги ахборотни тарқатмаслик, ишларни бажаришда (хизматлар кўрсатишда) махфийлиқни сақлашни, ваколатчилиқни, ҳолислиқни, объективлиқни ҳамда тижорат ва бошқа турдаги манфаатлардан мустақиллиқни таъминлаш;

13) Марказ томонидан талаб этилган ҳолларда Аккредитация объекти томонидан мувофиқликни баҳолаш фаолиятини гувоҳлик қилишини, шу жумладан буюртмачи ҳудудида баҳолашни ташкил этиш;

14) Шартномага асосан Марказнинг хизматлари учун тўловни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда амалга ошириш, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномани имзолаш ёки асосланган ҳолда буни рад этиш;

15) баҳолаш гуруҳи томонидан, аккредитация, такрорий аккредитация ёки аккредитация соҳасини кенгайтириш бўйича ўтказилган баҳолаш натижасида аниқланган номувофиқликларни амалда бартараф этишга муддат берилганда ёки аккредитация комиссиясининг қарори билан аккредитация тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилганида, номувофиқликларни бартараф этишга доир ҳаракатлар режаси ва ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумот ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган муддатларда Марказга тақдим этиш;

16) Аккредитация объектининг аккредитациясига алоқадор бўлган муҳим ўзгаришлар (юрidik, иқтисодий, мулкӣ, ташкилий ўзгаришлар, раҳбар хodимларнинг ёки асосий хodимларнинг ўзгариши, юридик ва жойлашган жойи ўзгариши ҳамда Аккредитация объекти томонидан аккредитация талаблари ва шартларини бажарилишига таъсир этувчи бошқа масалалар) тўғрисида Марказни кечиктирмасдан ёзма хабардор этиш;

17) Аккредитация комиссияси томонидан ижобий қарор қабул қилинса, Марказ ва Аккредитация объекти ўртасида аккредитациядан кейинги шартномани уч иш кун ичида имзолаш ва кейинчалик аккредитациядан кейинги шартномага амал қилиш.

Аккредитация объекти амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.3. Марказнинг ҳуқуқлари:

1) Аккредитация объектини баҳолаш мақсадида шартнома асосида миллий ва/ёки халқаро баҳоловчилар ва техник экспертларни тўлаб олиш;

2) ўз ваколати доирасида Аккредитация объекти томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд маълумотларни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки изоҳлаш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни сўраб олиш шунингдек, Аккредитация объекти томонидан кўрсатилган маълумотларда ишончсиз ёки ёлгон маълумот мавжудлиги, Марказ томонидан Аккредитация объектидан қўшимча маълумотлар талаб этмаган ҳолда, уларнинг ишончлилигини мустақил равишда ва ўз ҳисобидан текшириш;

3) Аккредитация объекти томонидан аккредитация қилиниши сўралаётган халқаро стандарт талабларини аккредитация жараёнида бажарилиши таъминлаётганлиги тўғрисида маълумотларни сўраш;

4) баҳолаш гуруҳи томонидан жойнинг ўзида баҳолаш ўтказишда сўралган соҳага тегишли бўлган зарур маълумотлардан, ёзувлардан ва ҳужжатлардан (шу жумладан, ички аудит натижаларидан) фойдаланиш, биноларга кириш ҳамда хodимлар малакасини баҳолаш;

5) Аккредитация объектининг тегишли хodимларини малакасини баҳолаш уларнинг шахсий қаргаларини ўрганиш, сўралган соҳадаги малакасини, гайёргарлигини, маълумотини, мувофиқликни баҳолаш бўйича қўникмаларини намойиш қилишини кузатиш ва суҳбатдан ўтказиш;

6) баҳолаш гуруҳи томонидан лабораториялараро солиштира синовлар натижаларини ва ўлчов воситаларини калибрлаш ҳамда таққослаш текширув натижалари, шунингдек, сўралган соҳаларда назорат синовларини ўтказилишини талаб қилиш;

7) Аккредитация объектини баҳолаш жараёнларини фото ва видео шаклда қайд этиб бориш;

8) кўрсатилаётган хизматлар якуниланмасдан шартнома бекор қилинганда, Аккредитация объекти тўлаб берган маблағдан ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар қийматини ушлаб қолиш.

9) жойнинг ўзида баҳолаш ўтказиш учун шарт-шароит яратиб берилмаган ҳолатда, баҳолаш ишларини белгиланган тартибда тўхтатиш, Аккредитация объекти қилинишган муддатлар давомида жойнинг ўзида баҳолаш ўтказиш учун шарт-шароит яратиб бермаси, аккредитация қилишга берилган буюртма бекор қилиш;

10) Аккредитация объектини баҳолаш бўйича Марказ фаолиятини олиб бориш усуллари ҳақидаги ахборотни Аккредитация объекти томонидан учинчи томонга тарқатилса, Марказ ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур чораларни куриш;

11) мазкур шартноманинг 5.2-бани талаблари Аккредитация объекти томонидан **бажарилмаган ҳолатларда** аккредитация жараёнини тўхтатиш ёки тугатиш;

12) Марказ ўзи қабул қиладиган ва бошқа бирон-бир ташкилот ёки шахс томонидан тасдиқланмайдиган аккредитация қарорлари учун ваколатлидир.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.4. Марказнинг мажбуриятлари:

1) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, техник жиҳатдан тартибга солиш, мувофиқликни баҳолаш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, шу жумладан халқаро стандартлар талабларига ҳамда аккредитация соҳасидаги халқаро қоидалар, Халқаро аккредитация форуми (IAF) ва Лабораториялар аккредитацияси бўйича халқаро ҳамкорлик (ILAC) талабларига шунингдек, Марказ томонидан ўрнатилган бошқа талабларга ҳамда ушбу Шартномага риоя этиш;

2) Аккредитация объекти Хизматлар учун ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тўловни амалга оширганда хизматларни ўз муддатида мазкур Шартноманинг 1.1-бандига риоя қилган ҳолда кўрсатиш;

3) Аккредитация объекти Марказни ўз ҳудудида амал қиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникасига оид меъёр ва қоидалар ҳақида олдиндан хабардор қилганда, Марказ томонидан тайинланган баҳолаш гуруҳининг Аккредитация объекти ҳудудида бўлган вақтида ушбу меъёр ва қоидаларга амал қилишларини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўриш;

4) Аккредитация объектига жойнинг ўзида баҳолаш ишлари якуни бўйича расмийлаштирилган баҳолаш гуруҳи ҳисоботини бир нусхасини бериш;

5) Аккредитация объектини баҳолаш якунларига кўра номувофиқликлар бартараф этилмаса (шу жумладан, ҳужжатларга экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган номувофиқликлар), баҳолаш гуруҳи томонидан ушбу номувофиқликларни бартараф этиш учун мақбул, аммо икки ойдан ортиқ бўлмаган, муддат белгилан;

6) Аккредитация объекти асосланган сабабларни ёзма равишда Марказга тақдим этганда, номувофиқликларни бартараф этиш муддатида бир мартаба бир ойдан кўп бўлмаган муддатга суриш;

7) Аккредитация объекти томонидан ҳаракатлар режасини бажариш тўғрисидаги маълумотлар ва номувофиқликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш кунидан ошмаган муддатда, номувофиқликларни амалда бартараф этилганлик ҳолатини зарур бўлган ҳолда, жойнинг ўзига борган ҳолда ўрганиш;

8) Аккредитация объектини баҳолаш якунлари бўйича ҳисоботни қабул қилган санадан бошлаб белгиланган муддатда тегишли қарор қабул қилишни таъминлаш;

9) Аккредитация бериш бўйича ижобий қарор қабул қилинганда, Марказ ва аккредитация объекти ўртасида аккредитациядан кейинги шартномани имзолашни ҳамда уч иш кун ичи мобайнида аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани беришни таъминлаш;

10) Аккредитацияни рад этиш бўйича қарор қабул қилганда, қарор қабул қилинган санадан бошлаб, уч иш кун ичи мобайнида Аккредитация объектига ёзма шаклда хабарнома юбориш;

11) рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаса, Аккредитация объектининг аризасига кўра аккредитация тўғрисидаги гувоҳномани қайта расмийлаштириб бериш ва/ёки долзарблаштирилган аккредитация соҳасини тасдиқлаб бериш;

13) Марказ ўзи қабул қиладиган ва бошқа бирон-бир ташкилот ёки шахс томонидан тасдиқланмайдиган аккредитация қарорлари учун жавобгардир.

Марказ қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Махфийлик

6.1. Томонлар махфийликка риоя этиш ҳамда Хизматларни кўрсатиш муносабати билан бир-бирларидан олинган ҳар қандай махфий маълумотларни, шу жумладан мазкур Шартнома мазмунини учинчи шахсларга ошкор этмаслик мажбуриятини олишади. қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6.2. Махфий маълумот деганда, тижорат сири, бизнесни ривожлантириш ва даромад олиш имкониятлари ҳақидаги махсус маълумотлар ва билимлар мавжуд бўлган исталган маълумотлар, Томонларнинг исталган бирига афзаллик ёки бирор-бир устунлик тақдим этилган, ушбу маълумотнинг ошкор этилиши шундай афзаллик ёки устунликнинг йўқолишига ёки камайишига олиб келадиган ҳар қандай маълумот, ёхуд ошкор этилиши Томонларнинг манфаатларига зид бўлган ёки сирларга дахл этиш ҳисобланадиган ёхуд Томонлар ходимларининг шахсий ҳаётига аралашув сифатида баҳоланадиган ҳар қандай маълумот тушунилади.

6.3. Махфийлик талаблари Томонлар учун мазкур Шартнома имзоланган санадан бошлаб қучга қиради ва унинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ҳақиқий ҳисобланади.

6.4. Аккредитациядан ўтказилган аккредитация объектига оид маълумотлар (юридик шахс номи, СТІР, манзили, Аккредитация объекти раҳбарининг Ф.И.Ш. алоқа маълумотлари ва телефон рақамлари, давлат реестридаги рақами ва давлат реестрида кўрсатиладиган бошқа маълумотлар) ҳамда тасдиқланган аккредитация соҳаси Марказнинг веб-сайтига жойлаштирилади ва барча учун очик ҳисобланади.

6.5. Агар Марказ қонунчиликка ёки шартномавий битимлар қоидаларига мувофиқ махфий маълумотларни ошкор қилиши талаб этилса бу ҳақда Аккредитация объектини хабардор қилади, агарда бу қонунчиликка зид бўлмаса.

6.6. Аккредитация объекти дўғрисида маълумот унинг ўзидан бошқа шахслардан олинган бўлса (масалан, шикоят килувчи, ваколатли давлат бошқаруви органлардан) ушбу маълумот Томонлар ўртасида махфий ҳисобланади. Бундай маълумотларни етказиб берувчи шахс (манба) Марказ томонидан махфий деб ҳисобланади, агарда маълумотларни етказиб берувчи шахс (манба) билан бошқача келишилган бўлмаса.

7. Мулк ҳукуки

7.1. Баҳолаш жараёнига таълуқли Марказнинг ҳисобовлари, далолатномалари, ҳужжатлари Марказнинг мулки ҳисобланади. Аккредитация объекти мазкур ҳужжатлар мазмунини бирор-бир шаклда ўзгартиришга ёки нотўғри талқин этишга ҳақли эмас.

8. Ҳуқуқларнинг берилиши

8.1. Иккинчи Томоннинг ёзма розилигини олмасдан туриб на Марказ, на Аккредитация объекти ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсларга беришлари ёки ўтказишлари мумкин эмас.

9. Форс-мажор

9.1. Агар форс-мажор ҳолати оқибатида Томонлар маъсум Шартномада қайд этилган ўз мажбуриятларидан исталган бирини тўлиқ ёки қисман бажара олмаса, бунинг учун Томонларнинг бирортаси жавобгар бўлмайди.

9.2. Табиий офатлар, уруш, камал, саботаж, жамоат тартибсизликлари, иш ташлашлар, экспорт ёки импортга таъқиқ қўйилиши, карантин ва эпидемиялар, Томонларга боғлиқ бўлмаган давлат органларининг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги, Томонларнинг мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилиши имконсиз қилиб қўядиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, шунингдек қонуңчиликка мувофиқ Томонлар олдиндан кўра олиш ёки олдини олиши мумкин бўлмаган бошқа ҳодисалар форс-мажор ҳисобланади.

9.3. Форс-мажор юзага келганда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга имкон бермайдиган ҳолат содир бўлган Томон зудлик билан (бундай ҳолат содир бўлган кундан бошлаб 3 (уч) кундан кечиктирмай) иккинчи Томонни форс-мажор юзага келгани ҳақида ёзма равишда хабардор қилади ҳамда ушбу ҳолатлар содир бўлиб турган вақтда Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришнинг кечиктирилиши таълиф қилади.

9.4. Агар форс-мажор 3 ойдан ортиқ давом этса, исталган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришнинг давом эттиришдан воз кечинишга ҳақли.

10. Ноқонуний ва ҳуқуқларга қарши ҳаракатларга йўл қўйилмаслиқ

10.1. Томонлар иккинчи Томонга нисбатан амалдаги қонуң ҳужжатларида ўрнатилган тартибда жавобгарлик белгиланган бирор-бир ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларни ёхуд ҳаракатсизликларни амалга оширишмайди.

10.2. Томонлар ўзларининг мансабдор шахслари, ходимлари ёки аффилиланган шахслари иккинчи Томоннинг мансабдор шахслари, ходимлари ёки аффилиланган шахсларига нисбатан қонуң ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик белгиланган бирор-бир ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларни ёхуд ҳаракатсизликларни амалга оширишларига йўл қўймайди.

10.3. Бундай ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларга қуйидагилар кириши мумкин, аммо улар шу билан чекланмайди: таҳдидлар; ўз касб мажбуриятларини етарли даражада бажармаслик; ҳавф остида қолдириш; таъмағирлик; обрўсизлантириш; ҳужжатларни, штампларни, муҳрларни, бланкларни эгаллаб олиш, йўқ қилиш, яроқсиз ҳолга келтириш ёки яшириб қуйиш; ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкларни тайёрлаш, қалбакилаштириш, шунингдек уларни сотиш ёки улардан фойдаланиш.

10.4. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Томонлар, уларнинг мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа аффилиланган шахслари ёхуд бошқа шахслар Томонлар манфаатидан келиб чиқиб исталган шахсларга, уларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир кўрсатиш мақсадида бирор-бир пул маблағларини ёки моддий қимматликларни тўламайдилар, тўлашни таълиф этмайдилар ҳамда тўлашга руҳсат бермайдилар.

10.5. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Томонлар, уларнинг мансабдор шахслари, ходимлари ёки бошқа аффилиланган шахслари ёхуд бошқа шахслар Томонлар манфаатидан келиб чиқиб қонуң ҳужжатларига мувофиқ пора бериш/олиш, тижоратда пора эвазига олириб олиш деб баҳоланадиган ҳатти-ҳаракатларни, шунингдек жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллантиришга қарши кураш тўғрисидаги қонуң ҳужжатлари ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик мажбуриятини олишади.

10.6. Мазкур Шартномани бажариш жараёнида иштирак эгалланган шахсларнинг бетарафликка путур етказадиган ёки манфаатлар тўқнашувига олиб боровчи аффилиланганлик ҳолати аниқланса, Томонлар дарҳол бир-бирларини хабардор қилиш мажбуриятини олади.

10.7. Томонлардан бирида мазкур боб бандларида қайд этилган ҳолатлар бузилиши юз берган ёки юз бериши мумкинлиги борасида шубҳа уйғонганида, ушбу Томон иккинчи Томонни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади. Томон ўзининг ёзма хабарномасида қайд этилган ҳолатларни тасдиқловчи ёки шунини тахмин қилишга асос бўлувчи далилларга таяниши ёки материалларни тақдим этиши шарт.

10.8. Тегишли Томон ёзма хабарнома берганидан кейин, талаблар бузилиш ҳолати рўй бермагани ёки рўй бермаслиги юзасидан тасдиқловчи маълумот олгунига қадар, Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришнинг тўхтатиб туришга ҳақли. Бундай тасдиқловчи маълумот ёзма хабарнома йўлланган кундан бошлаб ўн иш кунини ичида тақдим этилиши керак.

10.9. Томонлардан бири мазкур бўлимда таъқиқланган ҳатти-ҳаракатларни ва/ёки мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришга салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ғайриҳуқуқий ҳатти-ҳаракатларни содир этмаслик бўйича олган мажбуриятларини бузишда, ёхуд иккинчи Томон Шартномада кўрсатилган муддатда қондабузилиш ҳолатлари содир бўлмагани ёки содир бўлмаслиги тўғрисида тасдиқловчи маълумот олмаганда, иккинчи Томон Шартномани тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома юборган ҳолда уни бекор қилиш ҳуқуқига эга.

11. Томонларнинг жавобгарлиги

11.1. Хизматлар кўрсатилмаган тақдирда Марказ Аккредитация объектига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қиеми қийматининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, аммо пенянинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак. Пеня тўлови Марказни мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажарилишидан ҳамда хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

11.2. Марказ хизматлар учун Аккредитация объекти томонидан тўлов ўз вақтида амалга оширилмаса, Аккредитация объекти Марказга муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Пеня тўлови Аккредитация объектини мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажарилишидан ҳамда унинг оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

11.3. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлик чоралари амалдаги фуқаролик қонун ҳужжатлари талабларига мавофик қўлланилади.

12. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, уни бекор қилиш

12.1. Мазкур Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларнинг ўзаро келишувига асосан киритилади. Шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, ҳар икки Томон имзолаганидан кейин ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Қуйидаги ҳолатларда ҳар қандай Томон иккинчи Томонни мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма равишда хабардор қилиши мумкин:

бошқа Томон мазкур Шартноманинг исталган шартига риоя этмаётган ёки уни бажармаётган бўлса;

иккинчи Томон ёки унинг мулкига нисбатан тегишли органлар томонидан банкрот деб тоғилиш ҳақида ариза тайёрланган ёки суд киритилган ёхуд суд томонидан тегишли қарор қабул қилинган, муқим бошқарувчи тайинланган ҳақида ариза берилган ёки қарор қабул қилинган бўлса;

иккинчи Томонга нисбатан мажбуран ёки ихтиёрий тугатиш жараёни бошланган бўлса; қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

12.3. Иккинчи Томон ёзма хабарномани олган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун ўтгач ёки Томонлар мазкур Шартномани бекор қилишга ёзма равишда келишган ҳолатларда бошқа муддатда Шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

13. Низоларни ҳал этиш

13.1. Мазкур Шартномани бажариш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликларни икки Томонларнинг ўзаро музокаралари йўли билан ҳал этилади.

13.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаганда, келишмовчиликларни ҳал қилиш тартибидан кейин, уларни ўрнатилган тартибда қўни қилиш унинг бошқа шаҳар туманлараро иқтисодий судига берилади.

13.3. Аккредитация объектининг Марказ ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоятлари Марказ директори номидан ёзма равишда киритилади. Аккредитация объекти Марказ аккредитация комиссиясининг қарори юзасидан апелляция комиссиясига мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

14. Яқуний қодалар

14.1. Томонлар мазкур Шартнома, кейинчалик аслини тасдиқлан шарт билан, факсимиль алоқаси воситасида ёки электрон почта орқали тузилиши мумкинлигига келишиб олинди.

15. Томонларнинг реквизитлари ва имзолари

Марказ: "Ўзбекистон аккредитация маркази" ДУК Манзили: 100170, Тошкент ш, Мустақиллик шох қўчаси, 105 уй Банк реквизитлари: Х/р: 2021 0000 0008 7147 9001 АИТБ "Ипак Йўли" Сағбон филиали МФО: 01036, ИНН: 305478484, ОКЭД: 72190 Телефон: +998 78 113-01-11 e-mail: ariza@akkred.uz	Аккредитация объекти: "Farg'ona IEM" АЖ Манзили: Банк реквизитлари: 150106, Farg'ona sh, Sanoat k-sl 40-uy. Х/р: H/r:20210000900215451001 АТБ "O'ZSOB" FARG'ONA MINTAQAVIY F-LI MFO:00494 INN:200202146 OKED:35111. Tel:0(373) 242-73-20 МФО: ИНН: ОКЭД: Телефон: e-mail:
--	--



Марказ раҳбари:

А.А.Закиров



Аккредитация объекти раҳбари:

З.И.Қошиқов

ФИИШ